“ТАСДИҚЛАНДИ”
“Ўзкимёсаноатлойиха” АЖ
Кузатув кенгашининг
10.10.2022-йилдаги қарори
36-сонли баённомаси билан

# “ЎЗКИМЁСАНОАТЛОЙИҲА” АЖ
# ИЖРОЙИ ОРНИНИ ТАҚДИРЛАШ ҲАҚИДАГИ
# НИЗОМ

Чирчиқ ш.

## 1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом “ЎЗКИМЁСАНОАТ” АЖ корхонаси Ижройи органи тақдирлаш ҳақидаги Нимунавий Низом асосида, ҳамда Ўзбекистон РеспубликасиМеҳнат  Кодекси, Солиқ Кодексларига, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлар Жамияти  ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида”ги Қонунга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015-йилдаги “Давлат улушига эга акциядорлар жамиятлари ва бошқа хўжалик субъектларининг фаолиятининг самарадорлигига баҳо мезонларини жорий этиш ҳақида”ги 207-сонли қарорига, Уставга ва “ЎЗКИМЁСАНОАТЛОЙИҲА” АЖ Ижройи органи ҳақидаги Низомга (матн бўйича давомида- Жамият) мувофиқ ишлаб чиқилди.
1.2. “ЎЗКИМЁСАНОАТЛОЙИҲА” АЖ Ижройи органи Бош директор шахси якка хокимлик Ижроий орган ҳисобланади.
1.3. Мазкур Низом Жамиятнинг фаолиятидаги самарадорлик тузилиши ва тузилишни ҳамда уни Ижроий органини тақдирлаш тизимини белгилайди.
1.4. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлар тизими, Жамият молиявий-хўжалик фаолиятининг натижасини белгиловчи, ўрта муддатли миқдорий кўрсаткичларга асосланади.
1.5. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлар тизими “ЎЗКИМЁСАНОАТЛОЙИҲА” АЖ. Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, ўзгартирилади ва қўшимча киритилади (зарурият бўйича).
1.6. Ижройи органни тақдирлаш (мукофотлаш) ҳақидаги Мазкур Низом Жамият фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини тартибга солиш ва баҳолаш тизимини регламентловчи, ҳамда ижройи органни тақдирлашнинг тўлаш тизимини тартибга солиш ва шартларни регламентлайдиган, Жамият ички ҳужжатлари ҳисобланади.
1.7. Жамият фаолияти ва Ижроий орган фаолиятининг самарадорлиги натижаларини баҳолаш мезонлари (матн давомида – самарадорликни баҳолаш) кўрсаткичлар қийматига эришиш ҳисобланади (матн давомида – самарадорлик кўрсаткичи, уларни ҳисоблашнинг таркиби ва тартиби мазкур Низом билан белгиланади (аниқланади).

## 2.Иқтисодий самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлар тизимининг мақсад ва вазифалари

2.1.Мазкур Низом қуйидаги мақсадлар учун ишлаб чиқилган:
- Жамият ишининг охирги натижаларига Ижроий органнинг жавобгарлигини ва манфаатдорлигини ошириш;
- корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш;
- Жамият фаолиятининг иқтисодий самарадорлик тизимини баҳолашни такомиллаштириш;
- Ижроий органни мукофотлаш тизимини ва тартибини аниқлашни такомиллаштириш.
2.2. Мақсадга эришиш учун  асосий масалалрни ҳал этилишини таъминлашга чақиради (ундайди):
- молиявий – иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга, Жамият фаолиятининг самарадаорлигини оширишга;

-Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи Қонунчиликка мувофиқ, статистик ва молиявий ҳисоботларда белгиланган маълумотлар асосида, самарадорлик кўрсаткичини ҳисоб-китобини амалга оширади, унинг тўғрилигига Ижроий орган раҳбари жавобгардир;
- Ижроий орган фаолиятида назорат механизми акциядорлар (таъсисчилар) учун тиниқликни (шаффофликни) ва эришишликни тузишлик ва уларга мукофотларни тайинлаши.

## 3.Самарадорлик кўрсаткичларининг тизими.

3.1. Жамият Ижроий орган фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун КПЭ қўлланилади, Мазкур Низомнинг 4-бўлимида кўрсатилган.
3.2. КПЭ ҳисоб-китобининг (ҳисоблашнинг) даврийлиги ҳар чоракда ҳисобланади.
3.3. Кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоби қуйидагилар асосида амалга оширилади:
а) Жамиятнинг Бизнес-режаси ва статистик ҳисобот билан тасдиқланган, ҳисобот даври учун унинг параметрларини бажарганлиги ҳақидаги Ижроий органнинг ҳисоботи;
- корхонанинг фаолияти ҳақида (К-1 шакли);
- инвестиция фаолияти ҳақида (2-инвест шакли).
б) бухгалтериянинг ҳисоботи (бухгалтерия баланси (1-шакл), фойда ва зиён ҳақидаги ҳисобот (2-шакл); бухгалтерия балансига иловалар (3 ва 5 шакллар); ҳамда бухгалтерия ҳисобининг таҳлилий маълумотлари (зарурият ҳолатларида);
в) ҳисобот даври учун Жамиятнинг молиявий – хўжалик фаолияти натижалари бўйича ички аудит хизматининг тегишли ҳисоботлари ва хулосалари;
г) тафтиш комиссиясининг ва ҳисобот йили учун Жамиятнинг молиявий –хўжалик фаолияти натижалари бўйича ташқи аудиторнинг ҳисоботлари;
д) белгиланган тартибда олинган ёки ишлаб чиқилган бошқа материллар.
3.4. КПЭ ҳисоб-китобининг тўғрилиги ва ишончлилиги Жамиятнинг Бош директори томонидан тасдиқланади.
3.5. КПЭ қийматини ҳисоб-китоб (ҳисоблаш) йўли билан олинганлари, бизнес-режада белгиланган, ҳисоблаш ва мақсадли қийматлар нисбатининг фоиз шаклида, уларнинг прогнозли (мақсадли) қийматига тегишлидир.
3.6. Барча КПЭлар бўйича ўртача олинган қийматлар Жамиятнинг Ижроий орган фаолияти самарадорлигининг интеграл коэффициенти каби белгиланади.

## 4. Жамиятнинг фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари

4.1.Жамиятнинг фаолият самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари иккита бўлимни ўз ичига олади:
1) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015-йилдаги 207-сонли қарор билан тасдиқланган акциядорлар жамиятлари ва бошқа хўжалик субъектлари давлат улуши билан фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари ҳақидаги Низомга 2-Иловада кўрсатилган молиявий –иқтисодий кўрсаткичларни ўз ичига олган мажбурий муҳим кўрсаткичлар;
2) ҳукуматда қабул қилган қарорларни ҳисобга олиш билан Жамиятнинг Бизнес-режасида белгиланган асосий мақсадли параметрларини ўз ичига олган соҳавий кўрсаткичлар.

4.2. Биринчи бўлим бўйича Жамиятни бошқариш самарадорлигини ошириш учун (мажбурий муҳим кўрсаткичлар) 80% миқдорида жамланган (йиғиндидан иборат) солиштирма оғирлик кўрсаткичлари аниқланган ва иккинчи бўлим бўйича (соҳавий кўрсаткичлари) Жамиятнинг умумий йиғинди кўрсаткичларининг 20% миқдорида аниқланган (белгиланган).

| № т/р | Кўрсаткич | Солиштирма оғирлик (%) | Баллар сони |
|---|---|---|---|
| 1.Мажбурий муҳим кўрсаткичлар | | | |
| 1 | Активларнинг рентабеллиги | 10 | 10 |
| 2 | Абсолют ликвидлик коэффициенти | 10 | 10 |
| 3 | Молиявий мустақиллик коэффициенти | 15 | 15 |
| 4 | Кунларда кредиторлик қарзларнинг айланма бўлиши | 15 | 15 |
| 5 | Кунларда дебиторлик қарзларнинг айланма бўлиши | 15 | 15 |
| 6 | Қопланиш коэффициенти (тўлаш имконияти мавжуд) | 15 | 15 |
| | Жами | 80 | 80 |
| 2. Соҳавий кўрсаткичлар | | | |
| 1 | Товар маҳсулотнинг ишлаб чиқариш мақсадли параметри | 15 | 15 |
| 2 | Маҳсулот таннархининг пасайиши мақсадли параметри | 5 | 5 |
| | Жами | 20 | 20 |
| | Ҳаммаси | 100 | 100 |

4.3. Ҳар бир давр учун КПЭ прогнозли (мақсадли) қийматлари алоҳида илова сифатида Бизнес-режада акс эттирилади, у унинг ажралмас қисми ҳисобланади.
4.4. Ҳар бир молиявий йил учун КПЭ рўйхати ва миқдори (сони) ўзгариши мумкин. Шу билан бирга, 4.2. бандда кўрсатилган, биринчи ва иккинчи бўлимларнинг йиғинди кўрсаткичларининг солиштирма оғирликка нисбати, тегишли бўлим ичидаги ҳар бир кўрсаткичнинг солиштирма оғирликни қайта тақсимлаш пропорционали билан сақланиши керак.
Молиявий ҳисоботни халқаро стандартга ўтишидан олдин мазкур Низомга мувофиқ самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари қўлланилади.
4.5. КПЭ прогонзли (мақсадли) қийматлари, қонунчиликда белгиланган (агарда қонунчиликда кўрсаткич учун норматив қиймат белгиланган бўлса), норматив қиймат даражасидан паст бўлмаган ҳолатда ўрнатилади.
4.6. Агарда Қонунчиликда кўрсаткич учун норматив қиймат назарда тутилмаган бўлса, унда прогнозли (мақсадли) қийматни аниқлаш учун ташкилот (консультант-маслаҳатчи) жалб қилиниши мумкин.
4.7. Жамиятнинг Кузатув кенгаши навбатдаги чорак тугаганидан сўнг КПЭ прогнозли (мақсадли) қийматни таҳририни (қайта кўриб чиқишни) амалга ошириши керак.

4.8. Агарда, КПЭ прогнозли (мақсадли) қийматни таҳрири (қайта кўриб чиқиши) аввал тўловлар амалга оширилганини қайта ҳисоблаш заруриятини келтириб чиқариш ҳолатда бўлса, унда бундай қайта ҳисоблаш, мазкур Низомнинг 5.10. бандида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

## 5.Ижроий органга мукофот тўлашнинг миқдори ва тартиби

5.1. Жамиятнинг Ижроий органнинг мукофотини тўлаш тартиби ва шартлари мазкур Низомда аниқланади.
5.2. Ижроий органга (Бош директорга) ҳар ой асосида амалга оширилаётган тўловлар ўз ичига қуйидагиларни олади:
- штатлар жадвалига асосан лавозим маошини;
- иш бўйича режада белгилангандан юқори лойиҳа ишлар ҳажмини Жамият бажарганидаги тўловларни (қўшимча иш ҳақларини).
5.3. Ижроий органга мукофотлар чораклик мукофот шаклида 1 чорак, ярим йиллик, 9 ой ва йиллик натижалари бўйича КПЭда эригилган қийматларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоб-китоби амалга оширилади.
5.4. Жамиятнинг Бизнес-режасини ишлаб чиқишда, прогноз қилинаётган йил учун, Ижроий органни мукофотлаш суммасининг база қисмини шакллантириш назарда тутилади, у ўтган йил учун ҳақиқий (факт) янги фойда суммасидан кўпи билан 1,5%миқдорида қабул қилинади. (“Корхонанинг молявий натижалари ҳақидаги ҳисобот” бухгалтерия балански 2-сонли шакли 030-бет).
5.5. Жорий даврда Ижроий орган чоракдаги мукофот миқдори ўтган йил учун ИКЭ Ижроий органини мукофотлаш суммасини Бизнас-режада назарда тутилганга кўпайтириш йўли билан қуйидаги формула бўйича аниқланади:

П факт ҳ Пбах х ИКЭ, бунда

П-факт- чораклик мукофотнинг миқдори, тўланиши керак;
Пбаз – чораклик базали мукофот йиғиндиси (сумма), Бизнес-режа билан аниқланади;
ИКЭ – Ижроий органнинг фаолиятида самарадорлик интеграл коэффициенти. Бунда ИКЭ барча КПЭ бўйича ўртача олинган қиймат бўлиб ҳисобланади, қуйидаги формулага мувофиқ:

$$\text{ИКЭ} = \frac{(\text{к}1+\text{к}2+\cdots+\text{к}n)}{\text{N}}$$ , бунда

N – кўрсаткичлар сони,
K1,n – самарадорлик кўрсаткичининг коэффициенти, қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{K}= \text{солиштирма оғирлик} \times \frac{\text{ҳақиқий } \textit{қиймат}}{\text{прогноз қиймати}}$$ , бунда

Солиштирма оғирлик – муҳим кўрсаткичнинг солиштирма оғирлиги;
Прогноз қиймати – кўрсаткичнинг прогнозли қиймати, ҳисобот давр учун Бизнес-режада назарда тутилган;

Ҳақиқий қиймат (факт) – кўрсаткичнинг ҳақиқий қиймати, ҳисобот даврда эришилган.
5.6. Ижроий органни мукофотлаш йиғиндисини ҳисоблаш стратегик режалаштириш бўлими билан меҳнат ва иш ҳақи бўйича бош мутахассис билан биргаликда Жамиятнинг фаолиятини самарадорлигининг ҳақиқий эришилган муҳим кўрсаткичлари ҳақидагитегишли бўлинмалар тақдим этган маълумотлар асосида амалга оширилади.
5.7. Корпоратив маслаҳатчи (консультант) ҳар чоракда, ўрнатилган тартибда Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун қуйидагиларни киритади:
а) Бош директорнинг имзоси билан Жамият фаолиятининг самарадорлигини муҳим кўрсаткичларини бажарилиши ҳақидаги ҳисоботни;
б) Ижроий орган фаолиятининг самарадорлик даражаси ҳақидаги Кузатув кенгашининг қарор лойиҳасини.
5.8. Кузатув кенгашининг қарори бўйича Ижроий органни мукофотлаш миқдори, Бизнес-режада назарда тутилган мукофотлаш миқдорига нисбатаникки марта кўпайиши мумкин, агарда ИКЭ ва барча КПЭнинг прогнозли (мақсадли) қиймати камида икки марта фоизга бажарилиши ошади.
5.9. Мукофотлаш Ижроий органнинг Қарори бўйичаИжроий орган фаолиятининг самарадорлигини кўриб чиқилиши натижаси бўйича амалга оширилади. Бунда, агарда Ижроий органнинг самарадорлик фаолияти қониқарсиз ёки паст (ИКЭ 60 фоиздан камини ташкил этганида), мукофотлашга йўл қўйилмайди.
5.10. Тегишли аудиторлик ташкилоти томионидан ўтказилган текшириш натижалари бўйича, аввал ҳисобланган КПЭ, ИКЭ ва бажариш фоизининг қийматига керакли аниқлик киритишлар, ўзгартиришлар) киритилади. Агарда, КПЭ, ИКЭ ва бажариш фоизи қийматларига киритилаётган (ўзгартиришлар) аниқликлар қуйидаги натижалар бўлиб ҳисобланган ҳолатларида:
- уларнинг қиймати яхшиланишида, унга тегишли бўлган тўловлар иш ҳақи ёзишни назарда тутади, бунда Ижроий органга тегишли тўловлардан ижобий фарқ ҳисобот йили учун ишларнинг натижалари бўйича унга мукофотни тўлашда қайта кўриб чиқилади (таҳрир қилинади);
- уларнинг қиймати ёмонлашиши, тўловларнинг кўп тўланган қисмини ушлаб қолиш зарцрияти назарда тутилганда,бунда корхона томонидан Ижроий органга аввал амалга оширилган тўловларнинг салбий фарқи ҳисобот йили учун ишлар натижаси бўйича унга мукофотни тўлашда қайта кўриб чиқилади (таҳрири қилинади) ёки қонунчиликда белгиланган тартибда, бошқа усусл билан қопланади.

## 6. Низомни тасдиқлаш ва унга ўзгартиришлар киритиш тартиби

6.1. Мазкур Низом Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.
6.2. Кузатув кенгаши Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиши мумкин.
6.3. Мазкур Низом Жамиятнинг Кузатув кенгаши уни тасдиқлаган вақтдан бошлаб кучга киради, ўзгартириш ва қўшимчаларни унга киритилиши - Кузатув кенгаши томонидан Низомга уларни киритиш ҳақидаги қарорни қабул қилган вақтдан бошлаб кучга киради.

6.4. Агарда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ёки Жамият Уставида ўзгартиришлар бўлса, мазкур Низомнинг айрим моддалари у билан зид равишда киритилса, Низом амалдаги Қонунчилик ва жамият Уставига зид бўлмаган қисмида қўлланилади.